

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ” МИЛЛИЙ
ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Т.10.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ” МИЛЛИЙ
ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ**

ЖУМАТОВ ЯКУББАЙ КАРИМБАЙЕВИЧ

**ВИНТСИМОН ОЗУҚА МАЙДАЛАГИЧНИНГ ПАРАМЕТРЛАРИ ВА ИШ
РЕЖИМЛАРИНИ АСОСЛАШ**

**05.07.01 – Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация машиналари. Қишлоқ
хўжалиги ва мелиорация ишларини механизациялаш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2022

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора
философии (PhD) по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of
philosophy (PhD) on technical sciences**

Жуматов Якуббай Каримбайевич

Винтсимон озука майдалагичнинг параметрлари ва иш режимларини
асослаш..... 3

Жуматов Якуббай Каримбайевич

Обоснование параметров и режимов работы винтообразного
измельчителя кормов..... 21

Jumatov Yakubbay Karimbayevich

Substantiation of the parameters and operating modes of the helical forage
chopper..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 42

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ” МИЛЛИЙ
ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Т.10.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ” МИЛЛИЙ
ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ**

ЖУМАТОВ ЯКУББАЙ КАРИМБАЙЕВИЧ

**ВИНТСИМОН ОЗУҚА МАЙДАЛАГИЧНИНГ
ПАРАМЕТРЛАРИ ВА ИШ РЕЖИМЛАРИНИ АСОСЛАШ**

**05.07.01 – Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация машиналари. Қишлоқ
хўжалиги ва мелиорация ишларини механизациялаш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2022

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.3.PhD/T2431 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” миллий тадқиқот университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси www.tiame.uz ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Алижанов Джапбар
техника фанлари номзоди, доцент.

Расмий оппонентлар:

Тўхтақўзиев Абдусалим
техника фанлари доктори, профессор

Қаршиев Фахриддин Умарович
техника фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

“ВМКВ-Agromash” АЖ

Диссертация ҳимояси “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” миллий тадқиқот университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.T.10.01 рақамли илмий кенгашнинг 2022 йил «16» феврал соат 14.00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100000, Тошкент, Қори Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел.: (+99871) 237-09-45, факс: (+99871) 237-38-79, e-mail: admin@tiame.uz).

Диссертация билан “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” миллий тадқиқот университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин 206 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент,

Қори Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел.: (+99871) 237-09-45, факс: (+99871) 237-38-79, e-mail: admin@tiame.uz)

Диссертация автореферати 2022 йил «5» феврал кунин тарқатилди.
(2022 йил «28» январ № 70 рақамли рэстр баённомаси).



Б.С. Мирзаев

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

У.Т. Кузиев

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, (PhD), доцент

А.А. Ахметов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда чорвачилик ривожланиб, озуқага бўлган талаб ортиб бораётган бир даврда чорва молларига озуқа тайёрлашнинг энергия ва ресурстежамкор технологияси ва техника воситаларини қўллаш етакчи ўринлардан бирини эгалламоқда. «Дунё миқёсида 178-183 млн. бош чорва моллари боқилиб, уларнинг кунлик рационада майдаланган дағал озуқалар асосий қисми ташкил этишини ҳисобга олсак»¹, дағал озуқаларни майдалашда иш сифатини ошириш ҳамда ресурсларни тежаш учун кам металл ва энергия сарфига эга озуқа майдалагичларни амалиётга кенг жорий этишни тақоза этади. Шу жиҳатдан, дағал озуқаларни талаб этилган ўлчамда бир хил таркибда майдалаб берадиган майдалагич қурилмаларни кенг жорий этиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳонда дағал озуқаларни майдалаб, улардан клетчаткаси кўп бўлган тўйимли озуқалар тайёрлашнинг ресурстежамкор технологиялари ва уларни амалга оширадиган техника воситаларининг янги илмий-техникавий ечимларини ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, жумладан маккажўхори пояси, беда пичани, сомон ва бошқа дағал озуқаларни дастлаб маълум бир ўлчамда қирқиб олиб, сўнгра уларни майдалаш орқали тайёрланаётган дағал озуқаларнинг таркибини бир хиллаштириш ва сифатини ошириш ҳамда энергия ва ресурсларни тежаш имконини берадиган қурилмаларни яратишга алоҳида эътибор берилмоқда. Шу жиҳатдан дағал озуқа пояларини дастлаб майдалагичнинг шнекли қисмида узатиш билан бир йўла винтсимон пичоқда қирқиб сўнгра майдалаш аппаратига узатиш ва унда тўғсиз пичоқлар билан эзиб майдалашни амалга оширадиган майдалагич қурилмани ишлаб чиқиш, унинг технологик иш жараёни ҳамда ишчи қисмларининг параметрларини асослаш долзарб ҳисобланади.

Республикамизда оилавий чорвачиликнинг ривожланиши, чорва моллари сонининг ортиши билан майдаланган дағал озуқаларга бўлган талаб ҳам кўпайиши ҳисобга олиниб, оилавий хўжаликлар учун дағал озуқаларни сифатли майдалаб, тўйимли озуқа тайёрлаш имконини берадиган кам металл ва энергия сарфига эга ресурстежамкор қурилмалар ва технологияларни ишлаб чиқиш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан, «...чорвачиликнинг озуқа базасини яратиш, озуқа ишлаб чиқаришни кўпайтириш, уларнинг уруғчилигини ташкил қилиш, чорвачиликни сифатли озуқалар, биокўшимчалар, витаминлар, макро-микро элементлар ва бошқа озуқа бирликлари билан таъминлаш»² вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифаларини амалга оширишда, жумладан энергия ва ресурсларни тежаш билан бирга озуқаларни сифатли майдалаб, уларнинг едиримлигини ошириш ҳисобига чиқитга чиқиб нобуд бўлишининг олдини олиш имконини берадиган қурилмаларни техник ва технологик жиҳатдан модернизациялаш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

¹ <http://www.nrcs.usda.gov>;

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 7 июлдаги ПҚ-3117-сон «Қишлоқ хўжалигида машинасозлик соҳаси илмий-техникавий базасини янада ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 18 мартдаги ПҚ-4243-сонли «Чорвачилик тармоғини янада ривожлантириш ва кўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» ва 2020 йил 29 январдаги ПҚ-4576-сонли «Чорвачилик тармоғини давлат томонидан кўллаб-қувватлашнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳорижда дағал озуқаларни майдалаш жараёнини тадқиқ этиш ва унинг илмий асосларини ишлаб чиқиш бўйича В.П. Горячкин, В.А. Желиговский, В.Р. Алёшкин, В.А. Голиков, В.А. Ермичев, Б.В. Кононов, С.В. Мельников, В.Г. Мохнаткин, В.И. Особов, В.Ф. Некрашевич, Н.Е. Резник, Е.И. Храпач ва бошқа олимлар шуғулланишган.

Республикада дағал пояли ва бошқа озуқаларни майдалаш усуллари ва қурилмаларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш бўйича В.В. Сахаров, Т.Т. Тураев, Д.А. Алижанов, К.Д. Астанақулов, Ф.У. Қаршиев, Н.М. Қурбанов ва бошқа тадқиқотчилар томонидан илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган.

Бу тадқиқотларда дағал озуқаларни барабанли, роторли, болғачали майдалагичларда майдалаш жараёнлари ўрганилган бўлиб, маккажўхори пояси ва бошқа дағал озуқаларни дастлаб винтсимон майдалагичда қирқиб, сўнгра тифсиз пичоқлар билан бўлаклаб майдалашни амалга оширадиган қурилма конструкциясини ишлаб чиқиш ҳамда параметрларини асослаш бўйича масалалар етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти «Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти» миллий тадқиқот университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг 4.7-банд «Чорвачилик ва балиқчилик учун озуқаларни майдалаб тайёрлайдиган ресурстежамкор кичик қурилмалар ишлаб чиқиш» топшириғи (2017-2020 йй.) ва ҚХИ-2-008-2016 «Универсал озуқа майдалагични тайёрлаш, синаш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш» (2016-2017 йй.) мавзусидаги инновация лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади – дағал пояли озуқаларни қирқиб майдалайдиган энергия ва ресурстежамкор винтсимон озуқа майдалагични ишлаб чиқиш ҳамда унинг параметрлари ва иш режимларини асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

дағал озуқалар майдалайдиган қурилмалар конструкциялари, ишчи қисмлари ва технологик иш жараёнларини таҳлилий тадқиқ этиш;

дағал озуқаларни кам энергия сарфлаб сифатли майдалайдиган такомиллаштирилган озуқа майдалагичнинг схемасини асослаш;

такомиллаштирилган озуқа майдалагичнинг винтсимон турдаги бирламчи озуқа майдалагич қисмида пояларнинг майдаланиш жараёнини назарий тадқиқ этиш;

озуқа майдалагичнинг иккиламчи майдалагич қисмида майдалагич пичоқлари билан поянинг ўзаро таъсирини тадқиқ этиш ва унинг шаклини асослаш;

озуқа майдалагичнинг тажриба нусхасини ишлаб чиқиш ва унинг параметрлари ва иш режимлари ҳамда иш сифат кўрсаткичларини тажрибавий тадқиқ этиш;

тавсия этилган такомиллаштирилган озуқа майдалагични хўжалик шароитида синовдан ўтказиш ва иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида дағал озуқаларнинг физик-механик хоссалари, винтсимон майдалагичнинг технологик иш жараёни, параметрлари ва иш режимлари қабул қилинган.

Тадқиқотнинг предмети пояли озуқаларнинг майдаланиш жараёнини ифодаловчи математик моделлар ва аналитик боғланишлар, майдалагич иш кўрсаткичларини унинг ишлаш режимлари ва ишчи қисмлари параметрларига боғлиқ равишда ўзгариш қонуниятлари ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот жараёнида назарий механика, материаллар қаршилиги, математик статистиканинг қонун ва қоидалари қўлланилган ҳамда мавжуд меъёрий ҳужжатлар ОСТ 70.32.2-83 «Испытания сельскохозяйственной техники. Машина и оборудование для приготовления кормов. Программа и методы испытаний», ГОСТ 24057-88 «Техника сельскохозяйственная. Методы эксплуатационно-технологической оценки машинных комплексов специальных и универсальных машин на этапы испытаний», ГОСТ Р ИСО 11448-2002 Измельчители и дробилки передвижные с автономном приводом «Требования безопасности и методы испытаний» да белгиланган усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

дағал пояли озуқаларни майдалагич аппаратга винтсимон узатиш қисмида қирқиб бирламчи майдалаб узатишни амалга оширадиган такомиллаштирилган озуқа майдалаш қурилмаси ишлаб чиқилган;

озуқа майдалагичнинг винтсимон қисмидаги қирқиш пичоғи ва қўзғалмас пичоқ ўлчамлари пояли озуқаларнинг узатиш бункери орқали эркин тушиб келиши ва қирқишдаги деформацияланишини ҳисобга олган ҳолда аниқланган;

озуқа майдалагич винтсимон пичоғининг айланишлар сони поя бўлагининг гравитацион тушишидаги ҳаракатланишини таъминлаш шароитидан келиб чиқиб асосланган;

озуқа майдалагич дисксимон якуний майдалаш аппарати фаол пичоқлари тиғининг шакли пояларни ишончли қамраб олиш шартидан, унинг бирламчи

винтсимон майдалаш аппарати билан ўзаро мутаносиб ишлаш режимлари эса майдалагичнинг иш унумини ҳисобга олган ҳолда аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

майдаланган озуқа бўлақларининг ўртача ўлчамларида энергия сарфларининг барабанли майдалагичларга нисбатан 3,7 марта кам сарфланишини таъминлайдиган такомиллаштирилган озуқа майдалагич ишлаб чиқилган;

ишлаб чиқилган майдалагич қўлланилганда зоотехник талабларга жавоб берадиган бир хил майдаланган озуқалар олиниши ҳисобига унинг иш унуми ва сифатини ортиши ҳамда эксплуатацион сарф-харажатларнинг камайиши аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги изланишларнинг замонавий усуллар ва ўлчаш воситаларидан фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги, назарий ва экспериментал тадқиқотларнинг ўзаро адекватлиги, бажарилган тадқиқотлар асосида ишлаб чиқилган такомиллаштирилган озуқа майдалагични танлаш мезонлари ва мақбул параметрли озуқа майдалагичнинг хўжалик шароитида синовларининг ижобий натижалари ва амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти – такомиллаштирилиб ишлаб чиқилган озуқа майдалагич ишчи қисмини майдаланаётган материалга кўрсатадиган таъсирининг моҳиятини очиб берадиган аналитик боғланишлар ҳамда эмпирик ифодалар озуқа майдалагичларга доир мавжуд билимларни бойитади ва озуқа майдалагичлардан самарали фойдаланиш йўллари тадқиқ этишда назарий асос бўлиб хизмат қилади.

Олинган натижаларнинг амалий аҳамияти чорвадор фермер, шахсий ва деҳқон хўжаликлари учун таклиф этилаётган озуқа майдалагич қўлланилганда солиштирма энергия сарфи кам, конструкцияси ихчам, зоотехник талабларга мос майдаланган озуқа олиш имконияти яратилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Винтсимон озуқа майдалагичнинг параметрлари ва иш режимларини асослаш бўйича олинган натижалар асосида:

дағал пояли озуқаларни майдалайдиган винтсимон майдалагичга дастлабки талаблар тасдиқланган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 6-майдаги 02/023-1969-сон маълумотномаси). Натижада, дағал пояли озуқаларни винтсимон узатиш қисмида бирламчи майдалашни амалга оширадиган иш сифати юқори озуқа майдалагич конструкциясини ишлаб чиқиш имконияти яратилган;

озуқаларни майдалаш қурилмаси Тошкент вилояти Ўртачирчиқ тумани фермер хўжаликларида жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 6-майдаги 02/023-1969-сон маълумотномаси). Натижада озуқаларни майдалаш қурилмаси қўлланилганда мавжуд қурилмаларга нисбатан озуқаларни зоотехник талабларга жавоб берадиган ҳолда майдалаш ва бу жараёнда солиштирма энергия сарфини 3,7 мартага камайтиришга эришилган;

озуқа майдалагични ишлаб чиқаришни ўзлаштириш учун лойиҳа-конструкторлик хужжатлари (дастлабки талаблар, техник топшириқлар, техник

шартлар ва чизмалари) «ВМКВ-Аггомаш» АЖ да ишлаб чиқариш жараёнига жорий қилинган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 6-майдаги 02/023-1969-сон маълумотномаси). Натижада дағал озукаларни майдалаш учун энергия ва металл сарфи кам, иш сифати талаб даражасида бўлган майдалагични ишлаб чиқариш имконияти яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқотнинг натижалари 4 та халқаро ва 1 та республика илмий–амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 13 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг диссертацияларнинг асосий илмий натижаларни чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 6 таси республика ва 1 таси хорижий журналда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, умумий хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 117 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, мавзунинг республика фан ва технологиялари тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти ёритилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, ишнинг апробация натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг «**Дағал пояли озуқаларни майдалашнинг ҳозирги ҳолати. Тадқиқот мақсади ва вазифалари**» деб номланган биринчи бобида дағал пояли озуқалардан кичик чорва фермер хўжаликларида фойдаланишнинг ҳозирги ҳолати ва озуқаларни тайёрлаш технологиясига қўйиладиган зоотехник талаблар, дағал пояли озуқаларнинг механик-технологик хусусиятларининг уларни майдалаш сифати ва энергетик кўрсаткичларига таъсири, дағал пояли озуқаларни майдалашда қўлланиладиган қурилмалар ва улар ишчи қисмларининг таҳлили, дағал пояли озуқаларни майдалаш бўйича илгари олиб борилган назарий тадқиқотлар таҳлили, тадқиқот мақсади ва вазифалари асосланган.

Диссертациянинг «**Озуқа майдалагичнинг иш жараёни ва асосий параметрлари ва иш режимларини назарий тадқиқ этиш**» деб номланган иккинчи бобида дастлаб такомиллаштирилган озуқа майдалагич схемаси ишлаб чиқилган.

Мавжуд ИКВ-Ф-5А майдалагичини такомиллаштиришда унинг транспортёрлари ва барабанли майдалагичи қўйилмаган. У ердаги барабан майдаланган пояларни дисксимон кўп пичокли қирқиш аппаратига узатадиган шнек 1 (1-расм) ўрнига такомиллаштирилган шнек 2 ўрнатилган. Бу шнекнинг дастлабки 1.5 ўрами винтсимон майдалагич 2 га айлантилган. Шнек парракларининг перифериясига винтсимон пичок 5 ўрнатилган. Шу сабабли, бункер 3 га ишчи солаётган пояларни винтсимон пичок қамраб олиб ён томонга суришни бошлайди ва уларни кўзғалмас пичоксимон тўсиқ 6 га қисиб суришни давом эттирганида поялар букилиб бўлакларга майдаланилади. Тўсиқ 6 пичокларига сиқилиб ўтаётганида поя узунлиги 10-15 см этиб майдаланилади. Майдаланган поя бўлакларини транспортёр-шнек 7 бирмунча зичлаб иккиламчи майдалагичга узатади. Майдалагичдаги дисксимон кўп пичокли қирқиш аппаратидаги фаол пичоклар 8 шнек вали билан бирга айланаётиб иккита кўзғалмас пичоклар 9 орасидаги тирқишдан ўтади, поя бўлакларини икки таянчли усул билан қирқиб майдалайди. Фаол пичоклар винтсимон тартибда жойлаштирилгани туфайли майдаланган пояларни нав 10 томон суриб туширади.

Маккажўхори пояларининг физик-механик хоссаларини ўрганиш қисмида маккажўхори пояларининг эгилишга қаршилиқ кўрсаткичлари, пояларнинг ишқаланиш хоссаларини ўрганиш, маккажўхори поясининг қаттиқлигини аниқлашга доир тадқиқот натижалари келтирилган.

Эгиш бошланишида l ва P нинг нисбатан катта бўлмаган қийматларида EJ катталиги максимумгача, яъни мустахкамлик ҳолатининг чегарасигача, синишигача ўсиб боради. Дала тажрибаларини ўтказиш жараёнида поя қаттиқлигига намлиги, тугун буғинлари сони, поя узунаси бўйича диаметри таъсири кузатилди.



1-рама; 2-шнек; 3-бункер; 4-поя; 5-винтсимон пичоқ; 6 ва 9 қўзғалмас пичоқлар; 7-транспортёр-шнек; 8- фаол пичоқ; 10- нов; 11- электродвигатель

1-расм. Такмиллаштирилган майдалагич схемаси

Маккажўхори пояларининг бўйлама ва кўндаланг ҳаракатидаги ишқаланиш бурчагининг ўртача қийматида фарқ бўлсада, аммо умумий қийматлар соҳаси бўйича улар деярли бир-биридан фарқ қилмайди. Буни маккажўхори пояларининг кўндаланг ҳаракатдаги ишқаланиш бурчаги $25-34^\circ$ оралиғида, бўйлама ҳаракатдаги ишқаланиш бурчаги $29-38^\circ$ оралиғида ўзгаришидан ҳам кўриш мумкин. Лекин, маккажўхори пояларининг ишқаланиш бурчакларини аниқлаш бўйича Россияда ўтказилган илмий тадқиқотлар натижалари билан таққослаганда Республикамизда етиштирилган маккажўхори пояларининг материалларга нисбатан бажарилган ишқаланиш бурчаклари $3-4$ gradus га фарқ қилиши кузатилди.

Маккажўхори поясини зичлашга босим сарфини ўрганиш маълумотлари бўйича ҳар хил диаметрли макка пояларини зичлаш учун босим миқдори (B_n) поянинг пастки қисми диаметри кичиклари (масалан 26 mm) да $0,39$ MPa атрофида бўлиб поя диаметри катталашини (28, 30, 32 mm) билан зичлаш босими миқдари аста-секин камайиши кузатилди. Буни катта диаметрли маккажўхори пояларида ташқи цилиндр скелетидан ташқари ичкарасида

бўладиган толали (паренхим) қисмининг катталаши ҳисобига деб изоҳласа бўлади.


Винтсимон майдалагич параметрларини назарий тадқиқ этиш қисмида винтсимон пичоқ таъминлагичнинг буғзига кириш пайтидан (2-расм, А нукта) дан чиқиш пайтигача (С нукта) силжиш вақти $S \geq L$ ва $S = const$ (бунда S – винтсимон пичоқ қадами, L – поянинг пичоқ ўқи бўйича силжиш масофаси) шарти бажарилганда таъминланади ва бунда поянинг қирқилиши винтсимон пичоқнинг бир маротаба айланганда амалга ошади. $S \geq D$ бўлганида (бунда D – винтсимон пичоқ диаметри) пичоқнинг бурилиш бурчаги қуйидагича аниқланади:

$$\alpha = 2 \arcsin \frac{S}{D}, \quad (1)$$

бурилиш вақти эса:

$$t_{к и \bar{p}} = \frac{Ln}{60S}, \quad (2)$$

бунда n – пичоқ айланишлар сони, r/min.



1-шнек вали; 2-шнек қанотига ўрнатилган пичоқ; 3- қўзғалмас пичоқ;
А- киритилган поянинг шнек билан учрашган жойи; С-поянинг қўзғалмас пичоқда қирқиладиган жойи

2-расм. Винтсимон пичоқ схемаси

Винтсимон пичоқ қадами қуйидаги ифода билан аниқланади:

$$S = \pi D t g \alpha_k, \quad (3)$$

бунда α_k – шнек винтли чизигининг кўтарилиш бурчаги (α_k бурчакни қабул қилиш $\alpha_k = 10-20^\circ$ оралиғида чегараланади).

Бункер ичига поя қандайдир куч билан тикилмасдан, эркин қўйиб юборилса, поянинг босиб ўтадиган йўли

$$l = D \cos \frac{\alpha}{2} = D \cos \left(\arcsin \frac{B}{D} \right), \quad (4)$$

бунда B – ишчи камера буғизи кенглиги, см.

Бункер дарчаси кенглиги 2-расм бўйича $\sin \frac{\alpha}{2} = 0,5B/R$ эканлигидан қуйидаги ифода билан аниқланади:

$$B = D \sin \alpha. \quad (5)$$

Схемада X ва Y ўқларини белгилаб, эркин тушиш тезлиниши g ни эътиборга олиб қуйидагилар олинди:

$$\frac{d^2 y}{dt^2} = g; \quad \frac{dy}{dt} = gt + V_0 \quad \text{ва} \quad y = \frac{gt^2}{2} + V_0 t, \quad (6)$$

бунда V_0 - поянинг бункерга тушишдаги бошланғич тезлиги, m/s.

Агар $V_0 = 0$ деб қабул қилинса, поянинг бункер дарчасига кириб бориш вақти $t = \sqrt{\frac{2Y}{g}}$, уни поянинг кириб бориш узунлиги орқали ифодаласа, қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$t = \sqrt{\frac{2l}{g}} = \left[2 \frac{D}{g} \cos \left(\sin \frac{B}{D} \right) \right]^{\frac{1}{2}}, \quad (7)$$


(7) дан қуйидагилар олинди:

$$t_{\max} = \sqrt{\frac{2D}{g}}, \quad t_{\min} = 0. \quad (8)$$

Қирқилган поянинг ўртача узунлиги:

$$l_{\text{ўрт}} = 0,5g \left(\frac{60}{n} \right)^2. \quad (9)$$

Майдалагич иш кўрсаткичлари майдалаш учун поя киритиладиган бункер (3-расм) параметрларига ҳам боғлиқ. Бункернинг ён деворлари тик ҳолатида бўлгани билан қия олд девори β бурчаги билан қўйилган.



3-расм. Поя юкланадиган бункернинг олд девори энгашиш бурчагини асослаш
3-расмдаги схемадан:

$$\frac{md^2 y}{dt^2} = mg \sin \beta - fmg \cos \beta = mg(\sin \beta - f \cos \beta).$$

Агар бункер бўғизига кираётганда поя тезлиги $V_n = 0$ бўлса, поя Y ўқи бўйлаб силжиши:

$$Y = \frac{gt^2}{2} (\sin \beta - f \cos \beta). \quad (10)$$

Агар поя 1 нуқтадан 3 нуқта томон бункер дарчасидан шнек пастки қисмидаги кожухгача силжиётган бўлса, қуйидаги ифода кўринишига эга

бўлади: $v = \frac{D}{\sin \beta}$ Ушбу қийматни ҳисобга олган ҳолда (10) формуладан поянинг 1-нуқтадан 3-нуқта томон максимал силжиш вақти топилади:

$$t_{\max} = \sqrt{\frac{2D}{g \sin \beta (\sin \beta - f \cos \beta)}} \quad (11)$$

t_{\max} вақтида винтли пичоқ тўлиқ бир марта айланиб улгуриши учун, унинг айланишлар частотаси:

$$n_{\min} = \frac{60}{\sqrt{\frac{2D}{g \sin \beta (\sin \beta - f \cos \beta)}}} \quad (12)$$


Шнек қанотига пайвандланган пичоқ кенглиги v_0 қуйидаги шарт асосида топилади:

$$v_0 \geq d_{\max} + a_0 + t_{\kappa}, \quad (13)$$

бунда d_{\max} – поянинг максимал диаметри, mm;


$a_0 = 5-10$ mm – пайвандланган пичоқнинг орқа томонидан шнек қанотига бўлган кенглик, mm;

t_{κ} – шнек қаноти қалинлиги, mm.



а)

1-юклаш бурчаги $\beta = 45^\circ$ да;
2-юклаш бурчаги $\beta = 0^\circ$ да.



б)

1- юклаш бурчаги $\beta = 45^\circ$ да;
2- юклаш бурчаги $\beta = 0^\circ$ да

4-расм. Қирқиш узунликлари l_{ypT} (а) ва хажмий иш унуми Q (б) нинг айланишлар сони n га боғлиқ равишда ўзгариш графиклари

Поялар бир қатламда узатилганда қурилманинг хажмий иш унуми:


$$Q = 108 \cdot 10^{-3} \frac{g \cdot d_{\text{ypm}} \cdot B}{n}, \quad (14)$$

бунда d_{ypm} – пояларнинг ўртача диаметри, см.

4, а-расмдан кўришиб турибдики, поя қирқим узунлигининг зоотехник талабларга мос келиши учун вертикал юклашда $n = 500-600$ r/min ($l_{\text{yp}} = 4,5-8$ см)

ҳамда $\beta = 45^\circ$ бурчак қияликда узатилса $n = 450-550 \text{ r/min}$ ($l_{yp} = 3,5-5 \text{ cm}$) режимлари қулай ҳисобланилади. 4, б-расмдан қирқиш аппарати винтсимон пичоғининг айланишлар сонининг қийматини ошириш, қирқиш аппаратининг иш унумининг кескин равишда пасайиб кетишига олиб келади.

Озуқа майдалагич дисксимон майдалаш аппаратини назарий тадқиқ этиш қисмида дисксимон кўп пичоқли қирқиш аппарати кинематик тадқиқоти келтирилди. Иссиқ об-ҳавода парваришланган маккажўхорининг илдиз қисми ўта қаттиқ бўлади, фаол пичоқ уни бирданига қирқа олмайди. Поя тиғ бўйлаб узоқ силжийди, қаршилик моменти ошиб кетади. Шу сабабли поя сирпаниш жараёнини камайтириш мақсадида тиғ тўғри чизиқли эмас, эгрилиги поя томон бўлиши кераклиги хулоса қилинди. 4-расмда майдалаш аппарати диски 2 га беркитилган фаол пичоқ 3 схемаси чизилган. Унинг фаол тиғи $A-B$ қўзғалмас пичоқ тиғлари $II-II$ орасидаги тирқишга қирабошлаган ҳолати кўрсатилган. Тиғлар орасидаги бурчак $\tau = 40^\circ$ бўлиб, қирқилаётган поя 5 у ерда қисилиб тўхтайдиган шароит ясалган, чунки поя билан фаол пичоқ орасидаги ишқаланиш бурчаги φ_1 билан қўзғалмас пичоқ билан поя орасидаги ишқаланиш бурчаги φ_2 ларнинг йиғиндисидан кичик $\tau < \varphi_1 + \varphi_2$ қилинган.



1-етақловчи вал; 2-диск; 3-дискка ўрнатилган фаол пичоқ; 4-қўзғалмас пичоқ; 5-пичоқлар орасида қисилиб тўхтаган поянинг дастлабки ҳолати


5-расм. Майдалаш аппарати фаол пичоғи $A-B-E-E'-A'$ билан қўзғалмас пичоғи $II-II$ орасида қисилиб қолган пояни қирқиш схемаси

Фаол пичоқ $A-B$ O марказ атрофида айланиши ҳисобига, у кетма-кет A_1-B_1 ; A_2-B_2 ; A_3-B_3 каби ҳолатларни эгаллайди. Натижада $A-B$ пичоқ поя бўйлаб сирпаниб ўтаётиб, поя қобиғи қирқилади, ички юмшоқ моддалари эзилиб майдаланилади. A_3-B_3 ҳолатидан кейин пичоқ салт ҳолатида айланишини давом эттириб, яна $A-B$ ҳолатига қайтиб келади, цикл такрорланади.

Пичоқ тиғи шаклини ўзгартиришга асос бўлаётган омил-иссиқ ва қурғоқ иқлимда ўстирилган маккажўхори поясининг ишқаланиш бурчаги адабиётда қабул қилинганига нисбатан 4° гача кичик бўлишидир. Бундай поя $\tau = 40^\circ$ эмас $\tau^I = 36^\circ$ да қисилиб тўхтайдиган, яъни тиғнинг $D-D_k$ бўлаги эмас, айланиш маркази O дан узоқроқ жойлашган бошқа бўлак ишлайди. N кучининг O га нисбатан елкаси каттароқ бўлади, талаб қилинадиган буровчи момент M^I_σ биринчи

вазиятга қараганда кўпроқ бўлади, кўпроқ қувват сарфланадиган бўлади. Шу сабабли, пичоқ тиғининг $D-B$ бўлагини шаклини ўзгартириш маъқул бўлади деган фикрга келинди: пичоқ тиғини D нуқтасидан кейинги $D-B$ қисми аслидагидек тўғри чизикли эмас поя томонига бирмунча эгилтирилган бўлиши керак. Шунда поя қисилиб тўхташи кечиктирилмайди, пичоқ узунлиги самарали ишлатилади.

6-расмда такомиллаштирилган пичоқ AB тиғининг қирқилаётган пояга таъсир қиладиган кучлар схемаси келтирилган. Тиғнинг тўғри чизикли қисмидаги D нуқтасига қисилиб тўхтаган пояга (пунктир чизиклар билан ифодаланган) нормал босим N , тиғнинг поя бўйлаб ҳаракатланишига тескари йўналган ишқаланиш кучи F ҳамда N ва F йиғиндиси N_T кучлари таъсир қилади. Поя тиғ B нуқтасигача қисилиб тўхташи керак деб тасаввур қиламиз. Агар, куч векторлари N_T^1 ва N_T^{11} проекцияларини уларнинг учларини бирлаштирадиган тўғри чизикдан топсак, унда, N_T^1 проекцияси N_{Π} проекциясидан катта эканлиги кўринади. Натижада, кўпроқ сирпанувчан поялар кўзгалмас пичоқ тиғидан майдаланмасдан тушиб кетмайди, бу ижобий самара беради.



1-диск; 2-фаол пичоқ; 3-кўзгалмас пичоқ; 4-поянинг пичоқлар орасида сиқилиб тўхташ ҳолати

6-расм. Такومиллаштирилган фаол пичоқнинг қирқилаётган пояга таъсир қиладиган кучлар схемаси

Диссертациянинг «Озуқа майдалагични лаборатория шароитида экспериментал тадқиқ этиш» деб номланган учинчи бобида озуқа майдалагичнинг параметрлари ва иш режимларининг мақбул қийматларини асослаш бўйича ўтказилган тадқиқотларнинг натижалари келтирилган.

Эксперимент тадқиқотларда тадқиқотларнинг мақсади, вазифалари ва услубиёти, бирламчи экспериментлар натижалари келтирилган ва озуқа майдалагичнинг иш унуми, энергия сарфи ва майдаланган маҳсулот майдаланиш сифат кўрсаткичлари ўрганилган.



1-рама; 2-винтсимон пичоқ; 3-қўзғалмас пичоғи;
4-бункер; 5- ток ва кучланиш ўлчагич; 6-латр;
7-электродвигатель

7-расм. Экспериментал винтсимон озуқа майдалагич қурилмасининг умумий кўриниши

Назарий изланишларни текшириш ва дағал озуқаларни майдалаш жараёнига таъсир этувчи факторларни аниқлаш учун ишлаб чиқилган конструктив-технологик схема асосида винтсимон озуқа майдалагичнинг лаборатория қурилмаси тайёрланди (7-расм). Лаборатория қурилмасининг натура варианты рама 1, винтсимон пичоқ 2, қўзғалмас пичоғи 3, бункер 4, ток ва кучланиш ўлчагич 5, латр 6, электродвигатели 7 лардан ташкил топган. У реал жараёнга максимал яқин бўлиб, ишчи органлари билан озуқанинг бири-бирига нисбатан таъсири тавсифини экспериментал ўрганиш имконини беради. Лаборатория қурилмаси электродвигатель ёрдамида ҳаракатга келтирилади.

Олиб бориладиган тажрибавий тадқиқотлар учун дастур ишлаб чиқилди ва унда қуйидаги ишларни амалга ошириш назарда тутилди:

1. Тезкор кинотасвир усули ёрдамида винтсимон майдалаш аппаратида маккажўхори поясини қирқиш жараёнини таҳлил қилиш;

2. Винтсимон майдалагич майдалаш аппаратининг иш жараёнида озуқаларни майдалаш сифатининг:

- винтсимон пичоқ айланишлар сонига;
- қўзғалмас тиғнинг винтсимон пичоққа нисбатан ўрнатилиш бурчагига;
- винтсимон пичоқ тиғининг ўткирланиш бурчагига;
- винтсимон пичоқ диаметрига боғлиқлигини тадқиқ қилиш.

3. Винтсимон майдалагич ишчи қисмларининг мақбул параметрлари ва режимларини асослаш.

4. Винтсимон майдалагичнинг энергетик кўрсаткичларини аниқлаш.

Винтсимон пичоқ диаметрининг озуқаларни майдалаш сифати ва энергия сарфига таъсирини ўрганиш мақсадида диаметри 350 mm, 400 mm ва 450 mm бўлган пичоқлар тайёрланди (8-расм).



8-расм. Винтсимон пичоқ вариантлари

Ушбу пичоқлар қурилмага навбатма-навбат ўрнатилиб, тажрибалар ўтказиш имконини берди.

Винтсимон озуқа майдалагичнинг параметр ва режимларини мақбуллаштириш қисмида юқорида қайд этилганлардан келиб чиқиб пояли дағал озуқаларни майдалашда қўлланиладиган винтсимон майдалаш аппаратининг параметрлари ва иш режимларига боғлиқ ҳолда иш сифат кўрсаткичларининг ўзгаришини кўп омилли тажрибалар билан тадқиқ этиш мақсадида вариатор қурилмаси билан жиҳозланган экспериментал стенд тайёрланди.

Лаборатория стенди ўз навбатида қўзғалмас пичоқ ва қирқиш аппарати валида пайдо бўладиган куч ва моментларни ёзишни таъминлади. Майдалагич иш жараёнида винтсимон қирқиш аппарати билан пояларни қирқиш жараёнини ички ва ташқи таъсирлар билан биргаликда комплекс ўрганиш мақсадида лаборатория қурилмаси куч ва моментларни ўлчайдиган махсус датчиклар билан жиҳозланди ва тажрибалар даврида винтсимон қирқиш аппаратидан олинаётган маълумотларни назорат-ўлчов асбоблари орқали реал вақт режимида тўғридан-тўғри компьютерга чиқариш имконига эга бўлинди. Ишлаб чиқилган винтсимон озуқа майдалагичнинг назарий тадқиқотлар ва бир омилли экспериментларда (тезкор кинога олиш) ўрганилган параметрлари ва режимларининг биргаликдаги мақбул қийматларини аниқлаш учун кўп омилли экспериментлар ўтказилди.

Назарий тадқиқотлар ва бир омилли экспериментлар натижаларидан келиб чиқиб винтсимон майдалаш аппарати ишлаш жараёнига таъсир этувчи омиллар, уларнинг белгиланишлари, ўзгариш оралиқлари, сатҳлари белгиланиб олинди ва улар асосида экспериментлар ўтказилди.

Эксперимент натижаларига белгиланган тартибда ишлов берилиб, баҳолаш мезонларини адекват ифодаловчи қуйидаги регрессия тенгламалари олинди:

- винтсмон пичоқ валидаги буровчи момент, Nm

$$U_1 = 8.178 + 0.602X_1 + 0.942X_2 - 0.963X_3 + 0.637X_1^2 + 0.326X_1X_2 - 0.734X_1X_3 + 1.784X_2^2 + 0.494X_2X_3 - 0.998X_3^2; \quad (15)$$

- кўзғалмас пичоққа тушаётган куч, N

$$U_2 = 34.136 + 3.000X_1 - 4.783X_2 - 7.162X_3 - 2.969X_1^2 + 1.960X_1X_2 + 2.138X_1X_3 - 1.756X_2^2 - 1.107X_2X_3 - 1.138X_3^2; \quad (16)$$

- қирқилган поялар узунликлари, cm

$$U_3 = 3,933 - 1,133X_1 - 1,048X_2 - 0,250X_3 - 0,103X_1^2 + 0,450X_1X_2 + 1,148X_1X_3 + 0,712X_2^2 - 0,517X_2X_3 - 0,786X_3^2. \quad (17)$$

1-жадвал

Омилларнинг мақбул қийматлари

№	Кўрсаткичларнинг номланиши	Омилларнинг қийматлари		
		$X_1, r/min$	$X_2, gradus$	$X_3, gradus$
1.	Шартли	0,11386	0,2356	0,34256
2.	Ҳақиқий	511,386	6,178	21,7128
3.	Яхлитланган	510	6	22

Омилларнинг ушбу аниқланган мақбул қийматларида ҳисоблашлар амалга оширилганда винсмон пичоқ валидаги буровчи момент U_1 , кўзғалмас пичоққа тушаётган куч U_2 ва майдаланган поя бўлакларининг қирқилиш узунлиги U_3 бўйича мезонлар мос равишда $8,15 Nm$, $30,7 N$ ва $3,4 cm$ ни ташкил этади.

Диссертациянинг “**Мақбул параметрли озуқа майдалагични хўжалик шароитида синаш натижалари ва унинг иқтисодий кўрсаткичлари**” деб номланган тўртинчи бобида озуқа майдалагич тажриба нусхасининг қисқача техник тавсифи, хўжалик синовлари натижалари ва унинг иқтисодий самарадорлиги келтирилган.

Хўжалик шароитида синаш назарий ва экспериментал тадқиқотлар натижаларини тасдиқлади ҳамда ишлаш даврида ишлаши ишончли, бузилишлар ва синишлар кузатилмади.

Мақбул параметрлари ва ишлаш режимлари асосида тайёрланган ва синалган майдалагичда майдаланган озуқа бўлакчаларининг ўлчамлари зоотехник талабларга жавоб беради ва машина ўзининг фойдаланиш кўрсаткичлари (майдаланиш зичлиги барабанли майдалагичларга нисбатан анча (0,5-1,5 марта)) юқори.

Машина ўзининг эксплуатацион кўрсаткичлари (иш унуми $200 kg/h$ дан $1000 kg/h$ гача) билан турли йўналишда фаолият кўрсатадиган фермер хўжаликлари эҳтиёжини қондиради.

Электр энергия сарфи базавий машина $6490 \text{ ming so}^{\prime}m/t$ ни, янги машина бўйича эса $1770 \text{ ming so}^{\prime}m/t$ ни ташкил этган бўлиб, жараённинг энергия сарфи янги озуқа майдалаш машинасини қўллаш натижасида $3,7$ баробарга камаяди.

Янги винтсмон озуқа майдалагич машинасини қўллашдан олинган йиллик иқтисодий самарадорлик $9381269,20 \text{ so}^{\prime}m$ ни ташкил қилади.

ХУЛОСА

«Винтсимон озуқа майдалагичнинг параметрлари ва иш режимларини асослаш» мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Озуқаларни майдалаш мавжуд ишчи органлари ва кичик ўлчамли майдалагичларни тадқиқ қилиш энергия сарфи кам ва майдаланган озуқа (поя) ўлчамлари зоотехник талабларга жавоб берадиган винтсимон озуқа майдалагич конструкциясини яратиш имконини берди.

2. Винтсимон пичоқ ва қўзғалмас пичоғи оралиғига озуқа материалнинг кириши, харакатланиши ва қамраб олиниб сиқилиши ва майдаланиш жараёни динамикаси бўйича аналитик боғлиқлик кўринишида олинган моделлар озуқа майдалагич асосий параметрлари ва иш режимларини аниқлаш имконини берди.

3. Дисксимон майдалаш аппарати пичоқлари тўғри чизиqli тиғининг шаклини гиперболик спирал шаклида тайёрлаш пояларнинг қирқиш жуфтлигидан чиқиб кетмасдан сифатли майдаланишининг таъминланишини кўрсатди.

4. Озуқа майдалагични экспериментал тадқиқ этиш ва дағал пояли озуқаларни қирқиш жуфтликлари оралиғида майдалаш технологик жараёнини назарий тадқиқ этиш натижалари 5-15% аниқликда адекватлигини кўрсатди.

5. Озуқа майдалагичда винтсимон пичоқ диаметри 400 mm, винтсимон пичоқ қадами 240 mm, винтсимон пичоқ кенлиги 45 mm, винтсимон пичоқ айланишлар сони 510 r/min, дисксимон фаол ва қўзғалмас пичоқлар сони 7 тадан бўлганда озуқаларни минимал энергия сарфи билан майдалашга эришилди.

6. Мақбул параметр ва иш режимли озуқа майдалагич билан майдаланган озуқа бўлакчаларининг ўлчамлари зоотехник талабларга жавоб беради.

7. Янги такоммиллаштирилган озуқа майдалагич машинаси қўлланилганда жараённинг энергия сарфи 3,7 баробарга камаяди. Олинган йиллик иқтисодий самарадорлик 9381269,20 so‘m ни ташкил этади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.Т.10.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ
ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ «ТАШКЕНТСКИЙ
ИНСТИТУТ ИНЖЕНЕРОВ ИРРИГАЦИИ И МЕХАНИЗАЦИИ
СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА»**

**НАЦИОНАЛЬНЫЙ ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ УНИВЕРСИТЕТ
«ТАШКЕНТСКИЙ ИНСТИТУТ ИНЖЕНЕРОВ ИРРИГАЦИИ И
МЕХАНИЗАЦИИ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА»**

ЖУМАТОВ ЯКУББАЙ КАРИМБАЙЕВИЧ

**ОБОСНОВАНИЕ ПАРАМЕТРОВ И РЕЖИМОВ РАБОТЫ
ВИНТОВООБРАЗНОГО ИЗМЕЛЬЧИТЕЛЯ КОРМОВ**

**05.07.01 – Сельскохозяйственные и мелиоративные машины.
Механизация сельскохозяйственных и мелиоративных работ**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2021.3.PhD/T2431

Диссертация выполнена в Национальном исследовательском университете «Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства»

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском и английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета по адресу: www.tiame.uz и образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: Алижанов Джапбар
кандидат технических наук, доцент

Официальные оппоненты: Тухтакузиев Абдусалим
доктор технических наук, профессор

Каршиев Фахриддин Умарович
кандидат технических наук, доцент

Ведущая организация: АО «ВМКВ-Agromash»

Защита диссертации состоится «16» ~~сентября~~ ^{февраля} 2022 г. в ^{14⁰⁰} часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.T.10.01 при Национальном исследовательском университете «Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства» (Адрес: г. Ташкент 100000, ул. Кары Ниязий, 39. Тел. (+99871) 237-09-45, факс: (+99871) 237-38-79 e-mail admin@tiame/uz).


С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального исследовательского университета «Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства» (регистрационный номер ²⁰⁶) (Адрес: г. Ташкент 100000, ул. Кары Ниязий, 39. Тел. (+99871) 237-09-45, факс: (+99871) 237-38-79, e-mail admin@tiame/uz).

Автореферат диссертации разослан «5» ^{февраля} 2022 года.
(Протокол рассылки № ⁷⁰ от «28» ^{января} 2022 года).



Б.С. Мирзаев
Председатель научного совета по присуждению
ученых степеней, д. т. н. профессор

У.Т.Кузиев
Ученый секретарь научного совета по присуждению
ученых степеней, (PhD), доцент



А.А. Ахметов
Председатель научного семинара при научном совете
по присуждению ученых степеней, д. т. н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире, с развитием животноводства повышением к потребностям кормам, ведущее место занимает применение ресурсосберегающих технологий и технических средств для приготовления кормов. «Если учесть, что сейчас в мировом масштабе содержится 178-183 млн. поголовья животных и в повседневном рационе их основную часть составляет измельченные грубые корма»¹, то повышение качества работы и сбережение ресурсов при измельчении грубых кормов требуют широкое внедрение измельчителей кормов с меньшим затратам энергии и металла. В этой сфере, большое значение имеет внедрение измельчающих устройств, осуществляющих измельчение грубостебельчатых кормов, в требуемом размере, с одинаковым составом.

В мире ведутся научно-исследовательские работы, направленные на разработку новых научно-технических решений, ресурсосберегающих технологий и технических средств для измельчения грубых кормов с целью приготовления полноценных кормов с высоким содержанием клетчатки. В этом направлении, в частности, одной из важных задач является создание устройств, позволяющих обеспечить однородности состава и повышение качества приготовляемого корма, а также энерго-ресурсосбережение путем предварительного разрезания стеблей кукурузы, сены, люцерны, соломы и других грубых кормов с последующим их измельчения. В этом аспекте разработка измельчающего устройства, осуществляющего предварительное измельчение стеблей грубых кормов винтовым ножом в шнековой части измельчителя при подаче их на следующий измельчающий аппарат для окончательного измельчения с без лезвийными ножами, обоснование технологического процесса его работы, а также обоснование параметров рабочих органов является актуальной.

В республике, учитывая развитие семейного животноводства и увеличение потребности в измельченных грубых кормах, с увеличением поголовья животных, проводятся широкомасштабные мероприятия по разработке ресурсосберегающих технологий и менее энерго-металлоемких устройств для хозяйств, обеспечивающих приготовление качественного корма путём измельчения грубых кормов. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы намечены задачи, в частности, «...создание кормовой базы животноводства, увеличение объема производства кормов, организация семеноводства, обеспечение животноводства качественными кормами, биодобавками, витаминами, макро-микроэлементами и другими кормовыми единицами»². При выполнении этих задач, вместе с энерго- и ресурсосбережением, важным является техническая и технологическая модернизация устройств, осуществляющих качественное измельчение грубых кормов для уменьшения их потерь на отходы путем повышения их съедаемости.

1 <http://www.nrcs.usda.gov>;

